

Ҳабиб Абдуназар

Дил меҳроби

Шеърлар



«Ўзбекистон
миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент – 2014

УЎК: 821.512.133–1
КБК 84(5Ў)7
A15

Масъул муҳаррир:
Баҳром Рўзимуҳаммад

A15 **Ҳабиб Абдуназар**
Дил меҳроби / Ҳ. Абдуназар – Тошкент:
«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий
нашриёти, 2014. – 176 б.

“Дил меҳроби” – бу шоир Ҳабиб Абдуназар шеърларининг қайсидир маънода, кенг масштабдаги номидир. Шеърнинг туғилишидаёқ мўъжизавий, илоҳ билан туташган, оғриғи тотли бир авж ва некбин жўмардлик бор. Бу жараёнда шоирнинг жисми руҳи гаройиб тассуротлар билан тўлишиб, одамлик оламига, олам одамларига ўзга пучмоқлардан мафтун, маъюс, аммо қизгин термулади: тош унинг биродари, нафис майса жонтортар муштипари, ҳар бир юрак туйғудошига дўнади. Қўлингиздаги китобда замонавий шеърятимизнинг тимсоллари ва рамзларга йўғрилган, овоз чиқармасдан ўқиладиган ажаб намуналари жамдир. Бунга мутолаадан сўнг амин бўласиз, деган ўйдамыз.

УЎК: 821.512.133–1
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978–9943–07–257–2

© «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти, 2014.

ТУЙҒУЛАРНИНГ ИНЖА ТАСВИРИ

Бугунги ўзбек поэзиясида хилма-хил ва ўзига хос шоир ҳамда шеърлар кўп. Бу турфалик жанрдаги ўзгачаликлар, ифода оригиналлиги, образлар тизими миқёси, олам ҳодисалари ва руҳий ҳолатларни кўришдаги бетакрорлик каби бир қатор жиҳатларда намоён бўлади. Қўлингиздаги китоб муаллифи шоир Ҳабиб Абдуназар ҳам ана шундай ўзига хос ижодкорлардан бири ҳисобланади.

У ўз шеърларида одамнинг хаёл илгамас сезимлари манзарасини акс эттиради. Унинг поэтик тасвир йўсини инсон хаёли ва кечинмалари каби тинимсиз ўзгариб туради. Ҳ. Абдуназарнинг шеърларини руҳий калейдоскопга менгзаш мумкин. Калейдоскопнинг моҳияти адоқсиз турланишда бўлгани каби, шоир шеърларида ҳам тинимсиз поэтик ўзгаришлардан ўзга ўзгармас нарса йўқ. Шоирнинг бирорта шеъри бирор мавзуга бағишланмаган. Уларда асосан синчков кўз, парвоздаги хаёл ва безовта кўнгилнинг таъсир доирасига тушган нарсалардан қолган таассуротлар ва ана шу таассуротдан уйғонган ҳиссиёт манзаралари акс этади. Шу сабаб алоҳида ҳеч нарсага бағишланмагандай туюлгучи шеърий битикларда, аслида, ҳамма нарса ҳақида гап кетаётган бўлади. Шоирнинг кўпчилик битикларига сарлавҳа қўймаслиги боиси ҳам, аҳтимол, шундандир. Чунки сарлавҳа бир, ошиб борса, бир неча маънони ифода этиши мумкин, Ҳабибнинг шеърларида эса қамров кенг, акс этган поэтик объектлар миқдори кўламли.

Ҳабиб аксар битикларида ўзликка хиёнат қилмай, кўнгилни сақлай билиш нафақат одам, балки олам моҳиятини ўзгар-



тириб юбориши мумкинлигини куйлайди. Очун яхшиланиши ва яшилланиши учун одам, бирламчи, ўз кўнгил мулкини омон сақлаши, оламга кўнгил кўзи билан қараб, унга эзгуликлар бахш этишга уриниши керак. Шунда инсон ҳаётига ҳам, атроф-жавонибга ҳам маъно киради:

*Ердан чиқиб қолган тошдек илдишга
Тангсанг кўнгилнинг чайир ипини.
Севги чирқилласа, тун — қора илон
Ёйиб юборса гар зулмат тўпини.
Нигоҳинг осилиб тушса юракдан,
Бир ҳовуч нур отсанг кундузга.
Гурр этиб тўкилса дарахт барглари,
Поклансанг, чўмилсанг заъфарон кузга.*

Шоир бошқа бир шеърда тонг отиб, хаёлкаш тундан кундузга ўтиш ҳолати ва бунинг ижодкор руҳиятида қолдирган изини *"Индамайин кирди тунга, Кундуз шомларга ботиб. Овчимиди тун кўзи-ла Кўйди хаёлни отиб?"* тарзидаги кутилмаган савол воситасида ифода этади. Шоирнинг назарида, хаёлдан айрилиш ҳаётдан айрилишдай аламли ва аччиқ. Лирик қаҳрамоннинг сезимлари чигал руҳий ҳолатининг Ҳабиб Абдуназар томонидан: *"Энди юрсак юмшоқ ҳаво, Толиқтирар юрак ҳам. Дилни эса тарк этмади Чехралари очиқ ғам"* шаклида ифодаланиши шоир поэтик назарининг ўзига хослигини кўрсатади. Ғамнинг очиқ чехрали экани ўқирманда некбин кайфият уйғотиб, унда "асл одам учун ғамсизликнинг ўзи — ғам" — деган қаноат пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳабиб сўзларни ўз маъносидагина ишлатиш билан кифояланмай, ҳар бир сўзга ўзи истаган маънони юклашга уринади. Унинг шеърларида қўлланган тимсолу ташбиҳлар дои-



мий ҳаракат ва ўзгаришлар оғушида бўлади. Шоир азобнинг ҳидини сезади, эшикнинг хазон бўлгани, устуннинг айриликдан қорайиб титраганини кўради, туннинг алдоқчи ва жодугарлигини туяди. Бинобарин, шеърлардаги сўзлар ҳам бундай ғайритабиий ҳолатларни ифодалашга мос келадиган қилиб қўлланилади:

*Ҳиди келар сендан азобнинг,
Кўзларингда севилмаган тун.
Хазон бўлиб тўкилган эшик,
Қораймоқда титраган устун.
Сен йиғлайсан, тун ташлар жоду,
Қучоғингда қийналар руҳим.
Яшил шудринг томган болишда,
Гуллаяпти яшил тушларим.*

Шунча негатив ҳолат тасвири ҳам лирик қаҳрамон – шоирни умидсизликка туширолмайди. У – умид кишиси. Умиди мустаҳкамлиги сабаб унинг болишга шудрингдай томаётган кўзёшлари яшил ва шу болишда кўраётган тушлари ҳам яшил гуллайди. Маълумки, яшиллик – тириклик, яшариш белгиси. Демак, бу яшил тушлар бир пайт келиб эзгулик мевасини тугади.

Поэтик тасаввур қамрови кенглиги шоирга: *"Руҳимнинг кўз ёшлари – Юлдуз томар сизилиб"*, – дейиш имконини беради. Зеро, унинг микроолами ташқаридаги макрооламдан салмоқли ва чўнгроқ. Чин шоирона назарга атроф олам жонли кўринади. Жонли назар учун очунда ҳаракатсиз, турғун нарсанинг ўзи йўқ. Шу боис атроф-оламдаги барча нарса жонланган, ҳаракату амалда: *"Кўнгил бедор тутар осмон қароғин, Тун кўзида қолар уйқунинг гарди. Баҳор очаётир хушбахт*



қучоғин". Шу шеърнинг кейинги бандида нарса-ҳодисалар ҳаракати янада фаоллашади, бу ҳолат ифодасини бериш ба-ҳонасида шоир жонлантириш билан биргаликда ташхис санъ-атидан ҳам фойдаланади:

*Оптоқ қорлар босиб, қиш адоғида,
Юракка етади орзунинг тили.
Кавушларин ечиб чопар лайлак қор,
Сенга ҳавас қилар —
Бойчечак Гули.*

Чинакам шеърда мантиқдан кўра туйғу устуворлик қила-ди. Бундай битикда мантиқ изчиллиги эмас, ҳиссиёт ва кай-фият мунтазамлиги акс этган бўлади. Шоир олам ҳодисала-рининг барча одам илғай оладиган реал кўринишини эмас, балки фақат уларнинг ўз руҳиятида қолдирган манзарасини чизади:

*Тун уфурган баркамол ғамда,
Чувалади хастаҳол йўллар.
Ой хириллаб олади нафас,
Қор туёғин қоқади тўриқ.
Йиқилади чинқирган қоя,
Тутаб ётар қўшоғиз милтиқ*

Ушбу тасвирнинг энг сўнги мисрасидагина ҳаётий ҳақиқат акс этган. Олдинги беш қаторда эса ўша биргина мисрада акс этган реалликнинг шоир руҳиятидаги чигал из-лари ифода этилган. Унчалик ҳам назарга илинмайдиган са-баб даҳшатли оқибатларни келтириб чиқаргани формал ман-тиқ мунтазамлигига терс ҳолда ғоят ўзига хос тасвирини



топган. Бу сатрларга мусиқийлик, қофия сингари ташқи унсурлар эмас, кайфият яхлитлиги муҳрланган.

Ҳабибнинг кўпчилилик шеърлари хаёлоти гоят юксак парвозларга мойил, руҳият олами чегарасиз, кайфияти симобдай беқарор шахс кўнгил ҳолатининг ифодасидир. Улар борлиқнинг нусхаси эмас, балки ўз ҳолича мустақил бир борлиқдир. Адабиёт фалсафасининг улкан билимдони Ортега-й-Гассетнинг: *"...танасининг оғирлиги туфайли худди тешилган ҳаво шари каби кўтарилолмай, гоҳ ерда судралиб, гоҳ да-рахтларга илашиб, гоҳ томларга урилиб ётган шеъриятни ор-тиқча юкдан халос этиш керак эди... Эндиликда одамлар ҳаёт бир нарса, поэзия эса тамомила бошқа нарса эканини били-шяпти, билишмаса-да, сезишяпти. Бу икки нарсани бир-бири-га аралаштирмаган маъқул. Айнан одам тугаган жойдан шоир бошланади. Бирининг тақдири — ўзининг "инсоний" йўлидан юриш, иккинчисининг миссияси эса йўқ нарсани яратишидир. Шоир дунёни бойитади, ўз-ўзича мавжуд бўлган реал борлиққа, ўзининг янги ирреал қитъасини қўшиб, оламни кенгайтиради"*, — деган қаноатини айнан Ҳ. Абдуназарга ўхшаш ижодкор-ларнинг шеърларига татбиқ этиш мумкин.

Шундай қилинсагина шоирнинг қутилмаган мажозларга бой шеъриятидаги *"Осмон — улкан қабр, Кўмаман руҳимни. Ой — устига қўйилган Синиқ бир коса"* сингари ташбихларнинг руҳоний жиҳатдан нақадар ҳаққоний эканини илғаш ва бу тасвирлардан таъсирланиш мумкин. Шундагина: *"Ёғарди ёмғир! Оёқларинг судраб келар эди заминни"* сатрлари замиридаги формал мантиққа сиғмайдиган маъноларнинг зил юкини туйиш имкони юзага келади. Асл бадийят мантиқий тафаккур тугаган жойдан бошланганига имон келтирган ўқирмангина *"Майсалардек ундим юрак дарзларидан"* ёки *"Ажал улғайтирар, яшинатар ўлим"* каби сатрлар замиридаги яширин мантиқни туя олади.



Умуман, бадий ижодда, хусусан, шеърятда "майда нарса" деган тушунча бўлмайди. Шеърни майда нарсанинг йириклигини, улкан нарсанинг қанчалик майдалигини туйдириш омили дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам Ҳабибнинг:

*Ҳеч нарса айтма менга
Сирларингни сақлайдиган
ҳеч нарсам йўқ*

сўзларидангина иборат учлигига шунчаки сўз ўйини тарзида қараб бўлмайди. "Ҳеч нарса"ни қўйиб қўйгудек, "ҳеч нарса"си бўлмаган одамга "ҳеч нарса айтма"ган маъқуллиги акс этган тасвир замирида зилдай юк борлигини бир қадар туйиш ҳар қандай одамнинг маънавий оламини бойитади, уни эзгу фазилятларни илгаш сари йўллайди.

Азиз ўқирман! Ҳабиб Абдуназарнинг "Дил меҳроби" номли шеърини китобидаги битиклар билан танишиш кўнглингиздаги кўзга кўринмайдиган, қўлга илинмайдиган, қулоққа эшитилмайдиган фақат кўнгил торларигагина уринадиган исмсиз дардларни куйдек, ноладек кўзгагиб, руҳингизни безовта қилади ва сизни тирикчиликнинг кирларидан фориг этади, деган умиддамиз. Кўнгилнинг шеърини оламига қилдиган сайрингиз хайрли бўлсин!

*Қозоқбой Йўлдош,
2013 йил 10 октябр*

СЕВИЛМАГАН ТУН

(1990-1994)



1. Яшил шудринг томган болишда,
Гуллаяпти яшил тушларим.

* * *

Инжиқ шамол ҳасратларидан,
Пўст ташлайди толиққан гужум.
Шохларида гуллаган анжум.

Олиб кетса йигиларимни —
Оққан ирмоқ — бу эмас, ҳижрон,
Юрагимга қуйилган забон...

Уватларга ёйилган йўллар,
Шудрингли тун, тутамлаб ёлғиз —
Ой нурларин ўради бир қиз...

Шундай кечар умри соғинчнинг,
Асли шудир мен кутган чирой:
Туёқлари ойга ботган той.





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4704> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4704> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4704>